



ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КВАЛИФИКАЦИЯСИ

Қулматов Абдор Ашур ўғли

Яшнобод туман ИИО ФМБ хузуридаги Тергов бўлими терговчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10575132>

ARTICLE INFO

Received: 19th January 2024

Accepted: 26th January 2024

Online: 27th January 2024

KEY WORDS

Жамоат хавфсизлиги, транспорт воситалари, йўл ҳаракати қоидалари, транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари, объект, объектив томон, субъектив томон, субъект, сабабий боғланиш, ҳайдовчи, квалификация белгилари.

ABSTRACT

Мақолада транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноятни объектив ва субъектив белгилари, квалификацияга оид ҳолатлари, ўхшаш жиноятлардан фарқловчи жиҳатлари амалдаги жиноят қонунчилиги асосида таҳлил қилинган.

Ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Автомашина илгари ҳашамат ҳисобланган бўлса, бунгуги кунга келиб ҳаракатланиш воситаси, кундалик эҳтиёжга айланди, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш ва бошқа афзаликклари билан тобора ҳаётимизга сингиб бормоқда. Бироқ автотранспорт воситаларининг қатор афзаликларига қарамай, инсонга баъзан жиддий кўнгилсизликлар келтириши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Жумладан, ҳаракатланиш қоидаларини билмаслик ёки уларга риоя қилмаслик, маст ҳолда машина бошқариш кўпинча шундай кўнгилсизликларнинг сабабчиси бўлади.

Мавжуд вазият таҳлили ҳам шунга ишора бермоқда. Ўзбекистон ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг етти ой давомида республика ҳудудида 4 772 та ЙТХ қайд этилган. Шундан 2 453 таси ёки 51,4 фоизи субъектив сабабларга кўра содир этилган, яъни ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиққан.

Агар ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилганда юқоридаги барча ЙТХ содир бўлмаслиги мумкин эди. Ачинарлиси, ўтган етти ойда Ўзбекистонда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1 115 киши ҳалок бўлган, 4 564 нафари турли тан жароҳатлари олган.

Бир рақамга эътибор қаратиш лозим – йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганларнинг 1 078 нафари ёки 96,7 фоизи хавфсизлик камарини тақмаган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, агар орқада ўтирган йўловчилар хавфсизлик камарини



таққан бўлганида олдинги ўриндиқларда ўтирган йўловчиларнинг кўпчилиги автохалокатда омон қолиши мумкин эди. Уларнинг сўзларига кўра, агар орқадаги йўловчилар камар тақмаган бўлса, ЙТХ вақтида олдинги ўриндиқда ўтирган йўловчининг ҳалок бўлиш эҳтимоли беш баробар ортади.

Ички ишлар вазирлигининг статистик маълумотларига кўра, ЙТХ турлари бўйича сабаблар этиб пиёдаларни уриб юбориш, автомашиналар тўқнашуви ва бошқалар келтирилган.

Биргина Тошкент шаҳрида жорий йилнинг ўтган етти ойида пойтахтда 675 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Ҳодиса оқибатида 71 киши ҳалок бўлган, 787 киши турли тан жароҳатлари олган. Бахтсиз ҳодисаларнинг энг кенг тарқалган сабаби тезликни ошириш бўлган — 199 та ҳолат. Ҳайдовчилар томонидан 90 та ҳолатда тақиқловчи светофор ишорасига эътибор бермаслик, маст ҳолатда ҳайдовчилар иштирокида 8 та ЙТХ содир этилган.

Юқоридаги рақамлар йўл ҳаракати қатнашчиларининг кўпчилиги йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Натижада бахтсиз ҳодисалар сони ортиб бормоқда.

2022 йил 4 апрелда “Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда йўл ҳаракати қоидалари асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш, амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгиланган.

Дастлаб мамлакатимизда йўл-ҳаракати хавфсизлигини тартибга солиш мақсадида 1999 йил 19 августда “Ўзбекистон Республикасининг йўл-ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Кейинчалик мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-348-сонли “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунинга мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган. Мазкур қонун асосида вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоида”лари тасдиқланиб, 2016 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилган. Мазкур қоидалар умумеътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг 1968 йилда қабул қилинган “Йўлларда ҳаракатланиш тўғрисида”ги ва “Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисида”ги Конвенсияларига тўла мувофиқдир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш норматив-ҳуқуқий жихатдан таъминланган бўлишига қарамасдан ҳаётимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари юз бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида йўл-транспорт ҳодисасига қуйидагича таъриф берилган. “Йўл-транспорт ҳодисаси-транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир



бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситаслари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарздаги моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса”.

Йўл-транспорт ҳодислари деярли ҳамма ҳолларда тўсатдан содир бўладиган воқеадир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг энг кўп тарқалган турларига киради. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфсизлиги даражасининг юқорилигига сабаб нафақат уларнинг кенг тарқалганлиги, балки келтириб чиқарадиган оқибатларнинг оғирлиги, олинадиган жароҳатларнинг оғирлик даражаси, қурбонларнинг бўлишида, мулкӣ ва моддий зиён миқдорининг кўплигида ҳам ифодаланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек “Бу ҳодисаларнинг асосий сабаби фуқароларимизда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, авторанспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиши учун хавфсизлик чораларини кўришда жиддий муаммолар мавжудлигидадир.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутасадди органлар ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш, йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириши, йўлларни ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозлаш лозим”.

Йўл-транспорт ҳодисаси жиноятларининг тергови, даставвал, унинг жиноят қонунидаги тушунчаси ва криминалистик тавсифини чуқур таҳлил қилиш, шу асосда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар – исботлаш предмети, шунингдек, бу ҳолатларга оид аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш – исботлаш чегарасига боғлиқ. Бу талабларга риоя қилмасдан муаян жиноят ишини тергов қилиш вазифаларини ва йўналишини белгилаб бўлмайди. Бу хулоса жиноят ва жиноят-протсессуал қонунларидаги талабларга риоя этишни ва криминалистика фанининг илмий тавсияларига яхлит ёндашувни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” алоҳида бобга ажратилган бўлиб, айнан автомобил транспоти билан боғлиқ жиноятлар ЖКнинг 261-моддаси (Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришаг йўл қўйиш), 262-моддаси (Транспортни таъмирлаш ёки ундан фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш), 266-моддаси (Транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддаси (Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш) алоҳида қайд этилган.

Транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (266-моддаси) баданга ўртача ёки оғир даражада тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, жиноят ҳисобланади. Агар бундай қилмиш оқибатда бир неча одам ҳалок бўлса, жиддий ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар юз берса, айбдорга шахсга нисбатан жиноий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятини объекти транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги, одамлар ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.



Йўл ҳаракати деганда, муайян қоидаларга бўйсинувчи пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар, транспорт воситалари ҳаракатини қамраб олувчи ижтимоий-техник тизимини тушуниш лозим. Ҳаракат, асосан, йўллар бўйича, айрим вақтлада йўл бўлмаган шароитда (қурилиш майдончалари, кўчада, темир йўлдан ўтиш жойларида, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ҳудудларида, далаларда ва ҳ.к.) амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати тушунилади.

Жиноятнинг предмети ҳар қандай транспорт воситалари – ҳар қандай автомобиллар (юк, йўловчи ташийдиган, енгил автомобиллар, спорт автомобиллари ва ҳакозолар), трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар ва бошқа механик транспорт воситалари бўлиши мумкин.

Механик транспорт воситалари ўзи юрар бўлиши, яъни мустақил двигателига эга бўлиши шарт. Агар машина двигатели ишдан чиққан ҳолда ва у қўл ёрдамида силжитилса, у ҳолда транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти предмети мавдждуд эмас, амалда содир этилган қилмиш муайян шарт-шароитда транспортнинг хавфсиз ишлаши қоидаларининг бузилиши деб баҳоланиши мумкин (ЖКнинг 268-моддаси). Бироқ, ана шундай машина бошқа транспорт воситаси томонидан тортиб кетилаётган бўлса, тортиб кетилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг белгиланган қоидаларини бузиши ЖКнинг 266-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби белгиларига мос тушади.

Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилиш учун транспорт воситаси фойдаланишдаги ёки ўқув машинаси эканлиги аҳамиятга эга эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам у юқори хавф манбаи бўлиб қолаверади.

Механик транспорт воситаси – двигател ёрдамида ҳаракатга келтириладиган транспорт воситасидир. Ушуб атама тракторлар ҳамда ўзи юрар машиналарга ҳам таллуқлидир.

ЖКнинг 260-269-моддаларида кўзда тутилган транспорт воситалари деганда, енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см³дан кам бўлмаган мототсикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзи юрар машиналар (экскаватор, булдозер, автокран ва бошқалар) тушунилади.

Объектив томонидан ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноят транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖКнинг 266-моддаси) деганда, бундай ҳаракатларнинг транспорт воситаси йўлларда ҳаракатланиши жараёнида содир этилиши тушунилади. Агар транспорт воситасидан фойдаланиш жараёнида жумладан, транспортга юк ортиш-тушуриш, транспорт воситасини таъмирлаш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва бошқа турдаги ишларни бажаришда техник хавфсизлиги ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини



бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган, одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, мазкур қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 257-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузилишини ҳарбий машинани бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишдан фарқлаш лозим. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговор, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда, қилмиш ЖКнинг 298-моддаси билан квалификация қилинади. Агар йўл-транспорт ҳодисаси ҳарбийлаштирилмаган машинани бошқарган ҳарбий хизматчининг айби билан ёки ҳарбий машинани бошқарган ҳарбий бўлмаган шахснинг айби билан содир этилса, қилмиш ЖКнинг 266-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, масалан, қўпол юкларни ташиш, номақбул жойда ташлаб кетиш, бошқаришни номувофиқ шахсга ишониб топшириш, машинани заиф тросда тортиб юриш, мослаштирилмаган транспорт воситасида одам ташиш қоидаларида ифодаланиши мумкин.

Умумий эҳтиёт чораларининг бузилиши натижасида юзага келган, зарарли оқибатлар келтириб чиқарган ҳайдовчининг нотўғри ҳаракатлари фойдаланиш қоидаларининг бузилиши деб эътироф этилмайди. Бу ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари муайян ишларни амалга ошириш, хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши сифатида ёки ҳаёт ва соғлиққа қарши қаратилган жиноят деб квалификация қилинади. Маслан, машинага бензин қуйишда ҳайдовчи эҳтиётсизлиги туфайли бензин двигател устига тўкилди ва бошқарув вақтида электр ўт олдириш тизими бузуқлиги натижасида учқундан автомашина аланга ичида қолди ва йўловчи ҳалок бўлди. Бу ҳолда қилмиш эҳтиётсизлик оқибатида ўлимга олиб келган деб ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Агар шахс ихтисослашган транспорт воситасида (автокран, эксковатор, скрепер, ва ҳакозоларда) ишлай туриб, машинадан ўзга транспортга хос бўлмаган мақсадда фойдаланилганида зарар етказган, масалан, автокранда электр линияси остида юк тушириш ишларини белгиланганидан яқинроқ масофада амалга ошириб, натижада ишчилардан бири электр токидан ҳалок бўлган ҳолда ҳам жиноят таркиби мавжуд эмас.

Бу каби хавфсизлик техникасига риоя қилмаслик ҳоллари машина юриб кетаётганида ҳам рўй бериши мумкин, масалан, автокран ҳайдовчиси илгакка илнган юкни жойидан жойга кўчиришда уни силкитиб юради ва ишчи баданига оғир шикаст етказади. Мазкур ҳолатларда ҳаракат хавфсизлиги ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилмаганлиги сабабли ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Транспорт воситаларини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган бўлмасда, лекин қонунда кўрсатилган оқибатлар келиб чиқса, буни бахтсиз ҳодиса натижасида айбсиз ҳолда зарар етказиш деб топиш керак.



ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят қонунда баданган ўрточа оғир ёки оғир шикаст етказилиши сифатида кўрсатилган оқибатлар келиб чиққан пайтдан тугалланган ҳисобланади.

Ҳаракат хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган шахс етказилган зарарли оқибатлар учун қоидабузарлик билан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолдагина жавоб беради. Қоида бузилмаган ҳолда бундай алоқа истесно этилади (масалан, пиёда ўз эҳтиётсизлиги туфайли машина орқа ғилдираги остига тушиб қолади ёки ўз жонига қасд қилиб ўзини машина остига отади). Ҳаракатланаётган транспорт ҳамда жабрланган шахс ўртасида жисмоний боғлиқлик мавжудлиги ҳали сабабий боғланиш мавжудлигидан далолат бермайди, чунки бундай тоифага оид жиноятларда у норматив хусусиятга эга.

Нормативлик туфайли сабабий боғланиш жисмоний боғлиқлик умуман рўй бермаган ҳолларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ҳайдовчи ўз нотўғри ҳаракатлари билан тўғри ҳаракатланишга халақит бериши натижасида ҳаракатнинг бошқа иштрокчилари учинчи шахсларга зарар етказишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам, етказилган зарар учун ҳам жавобгар бўлади. Масалан, қарама-қарши йўналиш қаторига чиқиб олган ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт ҳайдовчиси учун тўсиқ пайдо қилади, у тўқнашишнинг олдини олиш ёки тўхташ имконига эга бўлмай, тротуардаги пиёдани уриб юборади. Бунда биринчи ҳайдовчи оқибатлар учун жавоб бериши лозим. Бу ҳолатда иккинчи ҳайдовчи ҳаракатлари охириги зарурат қоидаларига кўра ёки айбсиз ҳолда зарар етказиш сифатида квалификация қилинади.

Ҳайдовчининг зарарли оқибатлар билан бевосита боғлиқ ҳаракатлари, ҳаракатнинг бошқа иштрокчиларининг қоидабузарлиги туфайли шартланган бўлишига қарамай, ушбу оқибатларнинг сабаби сифатида иштрок этади. Йўл ҳаракати қоидаларида, хусусан, қоидабузарликларнинг олдини оладиган талаблар мавжуд. Масалан, уларда ҳайдовчи бошқа шахслар томонидан йўл қўйилган ўзга қоидабузарликларга нисбатан қандай иш тутиши кераклиги кўрсатилган. Бу қоидалар бузилган экан, демак, айбдор етказилган зарар учун жавоб бериши шарт. Хусусан, қарама-қарши транспорт воситаси чироғидан кўзи қамашган ҳайдовчи машинани тўхтатмасдан, шу ҳолат билан боғлиқ тарзда пиёдани уриб юборса, ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Сабабий боғланиш масаласини ҳал этишда ҳайдовчида зарарли оқибатнинг олдини олишнинг техник имконияти мавжудлиги ҳисобга олинади. Бундай имконият бўлмай, хавfli вазият у эмас, ҳаракатнинг бошқа иштрокчилари томонидан келтириб чиқарганлиги маълум бўлса, у ҳолда ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарлик истесно этилади. Ҳайдовчи кўзи кўрмасдан пиёдани уриб юборган ҳолда унинг ҳаракатлари, агар у машинани тўхтатиш ёки четга буриб юбориш имконига эга бўлмаган бўлса, келиб чиққан оқибатларнинг сабаби эмас. Хавfli ҳолатни унинг ўзи келтириб чиқарган бўлса, зарарли оқибатларнинг олдини олишга техник имкон йўқлиги юридик аҳамиятга эга эмас.

Жиноятнинг субъектив томони келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсиз муносабат билан тавсифланади. Шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини буза туриб, бу инсон соғлиғига оғир ёки ўрточа



оғир шикаст етказиши мумкинлигини англайди, бироқ ассосиз равишда уларнинг олдини олишига ишонади ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, зарарли оқибатлар келиб чиқишини кўра билмайди.

Қасддан зарар етказиш (ўч олиш мақсадида пиёдни уриб юбориш) шахсга қарши жиноятни ташкил этади. Айбдор транспорт воситаси ёрдамида жамоатчилик тартибини бузар экан, қилмиш қўшимча равишда безорилик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Транспорт воситасини бошқараётган ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Бунда у транспорт воситасини ўзбошимчалик билан ёки бировнинг рухсати билан бошқарганлиги, унда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Бироқ бу ҳолда транспортни бошқаришни бошқа шахсларга беришга йўл қўйган автомашина эгалари жавобгарликка тортилиши керак.

Жиноятнинг субъекти деб, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳам тан олиниши керак, аммо бунда улар ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ёки ҳарбий бўлмаган транспорт воситасидан фойдаланиш қоидадини бузган бўлишлари шарт, акс ҳолда уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 298-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Суд-тергов амалиётида ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг ҳайдовчи-инструктор ҳамда шогирд томонидан йўл қўйилгани ва зарарли оқибатларни келтириб чиқарган бузишни квалификация қилишда муайян муаммолар пайдо бўлади. Умумий қоидага биноан, шогирд томонидан икки томонлама бошқариладиган амалиёт вақтида йўл қўйилган авария учун инструктор жавоб беради. Аммо қоидабузарлик шогирд томонидан инструктор кўрсатмаларини онгли тарзда бажармаслик ва махсус қоидаларни қўпол бузиш оқибати эканлиги аниқланса, ЖКнинг 266-моддаси бўйича шогирд жавобгарликка тортилади.

Жабрланувчига йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳаёти учун хавfli бўлмаган энгил тан жароҳати етказилганлиги ёки у бевосита йўл-транспорт ҳодисаси вақтида ҳалок бўлганлиги аниқланса ёки айбдор унга ёрдам бериши шарт бўлгани ҳолда, унинг ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғилганида ЖКнинг 117-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди.

Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларининг одам ўлимига олиб келган бузилиши мазкур модданинг 2-қисмига биноан жавобгарликни келтириб чиқаради.

Кўйидаги кўринишдаги оқибатлар:

А) одамлар ўлими;

Б) ҳалокат;

В) бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанида айбдорнинг ҳаракатлари шарҳланётган модданинг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми “а” банди мазмунидаги одамлар ўлими деганда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлими назарда тутилиши лозим.



Ҳалокат тушунчаси остида атроф мухит, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган жамоатчилик транспорти (автобус, троллейбус) аварияси тушинилади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, одамлар ўлими билан бир қаторда поездлар, кемалар ёки самалётлар қатнови узоқ муддатга издан чиқиши, теварак-атрофдаги уйлар ва бошқа иншоотлар вайрон қилиниши (портлаши, ёниб кетиши, қулаб тушиши) ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ одамга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлиги фактининг ўзи қилмишни “бошқа оғир оқибатлар” белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

ЖКнинг 266-моддаси турли қисмларида кўзда тутилган, ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир этилган жиноят белгилари мавжуд бўлган ҳолда, айбдор томонидан содир этилган қилмиш ЖКнинг 33-моддаси талабларига мувофиқ, нисбатан оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузган ва ҳаёти хавф остида қолган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган шахснинг ҳаракатлари жиноятлар жами бўйича ЖКнинг 117 ва 266-моддаларининг тегишли қисмларига биноан квалификация қилинади.

Шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузмаган, аммо ўз ҳайдовчилик бурчини адо этмай, ҳодиса жойидан жабрланувчига ёрдам кўрсатмай кетиб қолган тақдирда, ушбу шарт-шароит унинг ЖКнинг 117-моддасида кўзда тутилган жавобгарликдан озод этилиши учун асос бўла олмайди.

Бундан ташқари, маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйиш (261-моддаси) темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво ва автомобил транспортининг ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноятининг объекти ҳисобланади.

Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво ва автомобил транспорти жиноятнинг предмети ҳисобланади. Автомобил транспорти деганда, ҳар қандай автомобил воситалари (юк ташувчи, енгил, йўловчи ташувчи, спорт ва ҳ.к.), мототсиклар, трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар тушунилади.

Объектив томондан жиноят транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психатроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахснинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорт ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш натижасида баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлишида ифодаланади.

ЖКнинг 261-моддасига биноан, айбдор шахснинг жиноий жавобгарлиги келиб чиқиши учун қуйидаги шарт-шароитлар йиғиндисини аниқлаш зарар:



- Маст ҳолатдаги ёки гиёхванд воситалари, уларнинг аналоглари психатроп моддалар ёхуд шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйганлиги;
- Баданга оғир шикаст етказилганлиги ёки ўлим юз берганлиги;
- Транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйиш ҳамда баданга оғир шикаст етказиш ўртасида сабабли боғланишнинг мавжудлигини аниқлаш.

Йўл қўйиш деганда, маст ҳолатдаги ва гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психатроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган бошқа моддалар таъсири остидаги шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига амалда рухсат беришни тушиниш зарар.

Йўл қўйиш ҳайдовчига транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ модда диспозитсиясида кўрсатилган (одамларни манзилига етказиб бориш, юк ташиш ва ҳ.к.) бирон-бир ҳаракатни бажариш ҳақида кўрсатма бериш, шу билан бирга ҳайдовчи вазифасини бажаришга тўсқинлик қилмаслик (масалан, йўналишга чиқишга монелик қилмаслик ва бошқалар)дан иборат бўлиши мумкин.

Баданга оғир шикаст етказилиши ёки ўлим келиб чиқиши билан жиноят тугалланган ҳисобланади. Жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга оғир шикаст етказилиши ёки одам ўлиши кўринишидаги оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Ушбу модда бўйича жиноятни квалификация қилишнинг зарарий шarti - айбдорнинг ҳайдовчи маст ҳолатдалиги ёки гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психатроп моддалар ва одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсирида эканлигини билганлиги ҳисобланади.

ЖКнинг 261-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ташкилот, корхона, муассаса раҳбарининг буйруғи билан транспорт воситасини бошқаришга рухсат бериш мажбурияти юклатилган шахс, шунингдек, шахсий транспорт эгаси ҳисобланади.

ЖКнинг 268-моддасида назарда тутилган жиноятнинг асосий бевосита объекти транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш соҳасида жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборат ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қўшимча объект жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзганинг мулки ҳисобланади.

Жиноят объектив томондан ЖКнинг 261-263, 265 ва 266-моддаларида белгиланган шахслардан ташқари йўловчилар, пиёдалар, велосипед ҳайдовчилари, отулов транспорти ҳайдовчилари ёки бошқа турдаги ҳаракат қатнашчилари томонидан барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати ёки фойдаланиш хавфсизлигининг бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказишдан иборат.

Мазкур жиноятнинг аниқ ифодаланиши турлича бўлиши мумкин, шу туфайли уларнинг тўлиқ рўйхатини беришнинг иложи йўқ. Қонунда белгиланган қоидалар кўпинча йўлларни белгиланмаган жойларда кесиб ўтувчи, ҳаракатланаётган транспортга яқин бўлган жойларда бирданига пайдо бўлувчи пиёдалар томонидан



бузилади. Жиноят ишларини кўриб чиқишда ва тергов қилишда айбдор томонидан бузилган қоидалар ва улар нималарда ифодаланишини аниқлаш лозим.

Жиноят баданга ўртача оғир ва оғир тан жароҳатлари етказилиши пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жиноятнинг юқорида келтирилган оқибатлари мавжуд бўлмаган тақдирда қилмиш маъмурий жавобгарлик тартибида кўрилади.

Ушбу жиноят объектив томонининг зарурий белгиси йўловчи, пиёда, велосипед, от-улов транспорти ҳайдовчиси томонидан йўл ҳаракати ёки ҳар қандай турдаги транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Жиноят субъектив томондан айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Шахс транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини кўра олади, лекин етарли асосларсиз уларнинг олди олди олинишига ишонади ёки ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билиши лозим ҳамда мумкин бўлган бўлса-да, уларни кўра билмайди.

ЖКнинг 263, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган, ЖКнинг 260-262, 263¹, 264-266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти эса, ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

От-улов транспорти ҳайдовчисининг ҳаракатлари у томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши механик транспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисасига олиб келган тақдирдагина ушбу модда билан квалификация қилиниши мумкин. Бошқа ҳолларда унинг жиний жавобгарлиги истисно қилинади.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши бир неча транспорт воситалари ҳайдовчилари ёки йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг жиний ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлса, уларнинг барчаси Жиноят кодексининг муайян моддалари билан жавобгарликка тортилади.

ЖКнинг 268-молддаси 2-қисмида одам ўлимига сабаб бўлган транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу модданин 3-қисмида одамларнинг ўлими, ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Хавфсиз ва равон йўл” тамойили.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йилнинг 4 апрел кунидаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш



ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли қарори.

4. WWW.Gov.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2015 йил 26 июндаги 10-сон қарорининг 9-банди//Электрон манба. (Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/2710284>).

6. С.М. Қодиров, Назаров К.М. Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили. Ўқув қўлланма Т-2002